

Ishonch

2019 йил 23 ноябрь • шанба • № 140 (4269)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИТАЛИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь кuni мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Италиянинг Ломбардия вилояти губернатори Аттилио Фонтана бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни кенгайтириш, жумладан, Италия ва Европа Иттифоқининг етакчи индустриал, интеллектуал ва маданий марказларидан бири бўлмиш Ломбардия билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Фаол ишбилармонлик алоқалари ва ўзаро алмашинувларни йўлга қўйиш, Италия компания ва ташкилотлари билан савдо, инвестициялар, sanoat технологиялари, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Ломбардиянинг нуфузли университетлари билан юқори малакали, аввало, муҳандислик ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Олий даражадаги икки томонлама тадбирларга тайёргарлик кўриш доирасида мамлакатимиз ва Италиянинг ушбу ҳудуди ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш бўйича «Йўл харитаси»ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎзА

УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 22 ноябрь кuni қишлоқ ва шаҳарларда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Аҳолини муносиб турар жой билан таъминлаш мақсадида охириги уч йилда 104 минг, жумладан, қишлоқларда 63 минг ва шаҳарларда 41 минг хонадонга мўлжалланган арзон уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Шунга қарамай, бу ўсиб бораётган аҳолининг талабини тўлиқ қондириш учун етмаепти. Буни жорий йилнинг 9 ойида Халқ қабулхоналарига уй-жой масаласи билан боғлиқ 36 мингдан зиёд muroжаат бўлганидан аниқлаш мумкин.

Кўпчилик уйнинг сифати талабга жавоб бермаслигидан нозори. Қишлоқларда қурилган айрим мавзелар муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланмаган. Баъзи уйлар сотилмай қолган, баъзиларнинг эса кредити тўлашни муаммоли.

Бу каби камчиликларнинг сабаби шундаки, арзон уйларнинг барқарор молиявий манбаси мавжуд эмас ва асосан бюджет маблағларига боғлиқ қолган. Тизимда рақобат тўла шаклланиш ва хусусий сектор иштироки етарли эмас.

Халқаро ташкилотларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда аҳоли эҳтиёжини тўла қондириш учун ҳар йили 145 минг хонадондан иборат уйлар қуриш керак. Бунинг учун йилга қарийб 30 триллион сўм маблағ зарур бўлади.

Шу боис кейинги йилдан бошлаб, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида янги тизим жорий этилади. Энди уйлар давлат томонидан эмас, тўлиқ хусусий сектор томонидан қурилади. Давлат аҳолига ипотека кредитини мақбул шартларда бериш орқали уй-жойга талабни қўллаб-қувватлайди. Ипотека кредити бериш учун ресурслар миқдори банклар ва ҳудудлар бўйича чекланмайди.

Бу тизим тақлиф сифатида жойларда муҳокама қилинганда, барча қурувчи-тадбиркорлар уни ижобий қабул қилган. Аҳолининг кредит олиш имконияти кенгайтирилса, нархи ҳозиргиларидан баян бўлмаган, лекин сифати яхши уйлар кура олишни билдирган.

Шулардан келиб чиқиб, эндиликда шаҳарларда уй-жой қурилиши кўйидаги тартибда амалга оширилади.

Биринчидан, тадбиркорлик

субъектлари ўз маблағи ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан охириги уч йилда 104 минг, жумладан, қишлоқларда 63 минг 750 та квартиралар турар жойлар қурилиши амалга оширади. Бундай иморат ва мажмуалар лойиҳаси ҳам тадбиркорлар томонидан мустақил тайёрланади.

Иккинчидан, уй-жой қуриш учун ер майдонлари аукцион орқали ажратилади. Уларни сув ва каналлаш тармоқларига улаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш борасида жойлардаги раҳбарларга батафсил тушунтириш берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадал ва ипотека кредити фоизини қисман қоплаш масаласида таниш-билишчилик ва бошқа суиистеъмолчилик ҳолатларига барҳам бериш зарурлигини таъкидлади. Бюджетдан ажратиладиган субсидиялар айнан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига етиб боришини сўзсиз таъминлаш лозим.

Субсидия учун келаси йил бюджетидан 1 триллионга яқин сўм маблағ ажратилади ва умуман олганда, 16 мингта оиланинг шаҳар ва қишлоқларда уй-жойлар сотиб олишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Аҳоли субсидия олиш учун талайгина ҳужжатлар тўплаб, қатор идораларда сарсон бўлиб юриш ҳолатига чек қўйилади. Энди аризалар Иқтисодиёт ва sanoat вазирлигининг ҳудудий бошқармаларида ташкил этилган доимий комиссияларда кўриб чиқилади ва кам таъминланган оилаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилади.

Ушбу комиссиялар таркибида банк, молия, солиқ, меҳнат, маҳалла ва бошқа идоралар вакиллари бўлади. Бундан ташқари, комиссия йиғилишида истаган фидоарли иштирок этиб, ўз фикрини билдириши мумкин бўлади. Қолаверса, субсидия бериш масаласи кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиниши лозим бўлади.

Ҳар бир вилоят ҳокимлиги 2020 йилда уй-жой сотиб олиш учун кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларга навбат билан субсидия тўлаш тартиби ва мезонларини ишлаб чиқиб, ўз ҳудудларида ижобий тажриба жорий этишлари зарурлиги таъкидланди.

Келаси йилда «Ўзшаҳар қуриш инвести» ҳамда «Қишлоқ қуриш инвести» инжиниринг компаниялари амалдаги тизим асосида шаҳарларда 4 минг 250 та ва

Таъкидланганидек, энди қишлоқларда уй-жойлар йўл бўйларидан бир қатор қилиб эмас, шаҳар ва туман марказларига туташ ҳудудларда мавзелар шаклида қурилади. Бунинг натижасида келгусида туманларни йирик агломерацияга айлантириш мумкин. Бу эса инфратузилма харажати камайтиради, аҳолининг иқтисодий фаоллигини оширади, ердан самарали фойдаланиш имконини беради.

Видеоселектор йиғилишида бундай мавзеларга ер ва кредит ажратиш, инфратузилма тармоқларига улаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш борасида жойлардаги раҳбарларга батафсил тушунтириш берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев уй-жой сотиб олиш учун бошланғич бадал ва ипотека кредити фоизини қисман қоплаш масаласида таниш-билишчилик ва бошқа суиистеъмолчилик ҳолатларига барҳам бериш зарурлигини таъкидлади. Бюджетдан ажратиладиган субсидиялар айнан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига етиб боришини сўзсиз таъминлаш лозим.

Субсидия учун келаси йил бюджетидан 1 триллионга яқин сўм маблағ ажратилади ва умуман олганда, 16 мингта оиланинг шаҳар ва қишлоқларда уй-жойлар сотиб олишини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Аҳоли субсидия олиш учун талайгина ҳужжатлар тўплаб, қатор идораларда сарсон бўлиб юриш ҳолатига чек қўйилади. Энди аризалар Иқтисодиёт ва sanoat вазирлигининг ҳудудий бошқармаларида ташкил этилган доимий комиссияларда кўриб чиқилади ва кам таъминланган оилаларнинг манзилли рўйхати шакллантирилади.

Ушбу комиссиялар таркибида банк, молия, солиқ, меҳнат, маҳалла ва бошқа идоралар вакиллари бўлади. Бундан ташқари, комиссия йиғилишида истаган фидоарли иштирок этиб, ўз фикрини билдириши мумкин бўлади. Қолаверса, субсидия бериш масаласи кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиниши лозим бўлади.

Ҳар бир вилоят ҳокимлиги 2020 йилда уй-жой сотиб олиш учун кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларга навбат билан субсидия тўлаш тартиби ва мезонларини ишлаб чиқиб, ўз ҳудудларида ижобий тажриба жорий этишлари зарурлиги таъкидланди.

Келаси йилда «Ўзшаҳар қуриш инвести» ҳамда «Қишлоқ қуриш инвести» инжиниринг компаниялари амалдаги тизим асосида шаҳарларда 4 минг 250 та ва

қишлоқ жойларида 8 мингта уй-жой қурилишини давом эттиради. Тайёр уйлар узоқ вақт давомида сотилмай туриши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида шаҳарларда қурилишни молиялаштириш тизими такомиллаштирилади. Энди турар жойларга талабгорлар рўйхати шакллантирилиб, бошланғич бадал йиғилмагунча қурилишга молиялаштириш очилмайди.

Банклар 2020 йилда амалдаги тизим бўйича шаҳарларда қуриладиган уй-жойларнинг харидорини аниқлаш ҳолда, қурилишни мижозга ажратиладиган ипотека кредити ҳисобидан молиялаштириш тизимини жорий этадиган бўлди.

Уйлар нархини тушириш ва сифатини ошириш учун инновацион қурилиш материалларидан кенг фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Ҳокимликларга шаҳар ва қишлоқларда уй-жойлар учун ер ажратиш, пудратчиларни аниқлаш ишларини яқунлаб, қурилишнинг 2020 йил 1 мартга қадар бошланганини таъминлаш юклатилди.

– Уй-жой сиёсатида янги тизимга ўтаемиз. Бу жараёнда ҳар бир ҳудуд раҳбарлигига масъулия ва жавобгарликни олиб, янги тизим бўйича турар жой қуришда ўз тажрибасини яратиш шарт. Энди ҳокимлардан қурилган уйлар сони эмас, қурилишга нечта салоҳиятли тадбиркорлар жалб қилингани, уларга қанча ер ажратилгани, инфратузилма тармоқлари яратилгани, уйлар сифати ва нечта одамни рози қилгани сўралади, – деди давлатимиз раҳбари.

Уй-жойлар қуриш ва реализация қилиш бўйича республика комиссияси жойларга чиққан ҳолда, қурилиш ишларини назоратга олиши зарурлиги таъкидланди.

Ҳокимлар эски бино ва иншоотларни бузиш ҳисобига бўшаган жойларда уй қуриш масаласига алоҳида эътибор бериши шартлиги, компенсация пуллари тўлаиб, мулк эгалари рози бўлмагунча бирорта кўчмас мулк бузилиши мумкин эмаслиги қайд этилди.

Давлат идоралари раҳбарлари нафақат ўзининг, балки давлатнинг ҳам шаънини асрашга масъул экани, халқ билан, оммавий ахборот воситалари билан мулоқотда кибрга берилмай, вақтин ва оқилона, қонунга асосланган қарор қабул қилиши шартлиги таъкидланди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЎзА

Қузатувларимизда жиззахлик қувчиликка ихтисослашган ташкилотлар инсон тақдирига ўта белпандлик билан қараб туришаётгани аён бўлади.



2

Бекобод шаҳрида онкологик дори воситалари ишлаб чиқарадиган «Beta UBK International Private Limited» деб номланган Ўзбекистон – Ҳиндистон қўшма корхонаси иш бошлади.



3

«BOOK MEDIA NASHR» нашриёти ходимлари танқиддан тўғри хулоса чиқариб, бундан буюн масъулият билан ишлашга қарор қилса, ажаб эмас.



4

КУН НАФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 28 ноябрь кuni амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

2019 йил 29 ноябрь кuni Тошкент шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтади.

Президент Шавкат Мирзиёев 21 ноябрь кuni аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йилнинг 21 ноябрь кuni «Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

«Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

«Нижоқ ахборот» телеграм канали

Вазирлар Маҳкамаси пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришга доир

чора-тадбирларни тасдиқлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги қарори билан Рустам Қосимовга Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ректори вазифасини бажариш юклатилди.

БМТ Европа Иқтисодиёти Комиссиясининг 2019 йил 20 ноябрдаги йиғилишида илк бор Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган халқаро стандарт қабул қилинди. Қурилган қовун маҳсулотига сифат талабларини белгилувчи ушбу стандарт «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзбекэко-инноватив» компанияси, маҳаллий корхоналар мутахассислари ҳамда халқаро ташкилотлар кўмагида ишлаб чиқилган.

Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев бошчилигидаги делегация Японияга расмий ташриф билан борди.

Маданият вазирилик матбуот хизмати

22-23 ноябрь кунлари Самарқандда илк бор «Invest in Samarkand» I халқаро инвестиция форуми ва унинг доирасида «Made in Samarkand» номли миллий кўргазма ўтказилмоқда.

АҚШнинг нуфузли нашрларидан бири – The New York Times'да Тошкент метроси, ундаги станцияларнинг ўзи хослиги ҳақида мақола чоп этилди.

nytimes.com

МУТАСАДДИЛАР ЭТИБОРГА!

ПУЛ БОР ЖОЙДА САВИЯГА ЎРИН ЙЎҚ(МИ?)

Пойтахтимиз кўчаларини «безаб» турган ушбу реклама афишалари орқали мебель ишлаб чиқарувчилар нима мақсадни кўзлашган? Наҳотки, бу бемаъни ва ноўрин тузилган ибораларни назорат қиладиган идора йўқ?

Икром Ҳасанов олган сурат

ФОТОНИГОҲ

ORIGINAL MEBEL

YANGILANGAN TIZIM

XOTIN ESKI BO'LSA BO'LSIN MEBEL ESKI BO'LMASIN !!!

☎ 200-66-64

Originalmebel.uz

881 805-94-70

SAFO MEBL



Самарқанд вилояти

5 йиллик ТОВОН ПУЛИ тўланди

Гулчеҳра Аҳророва Самарқанд шаҳридаги «Нафис» акциядорлик жамиятида 28 йил ишлаган. Касб-касалигига чалинган, нафақага чиққан. Корхона собиқ ходимига тоvon пули тўлаб келаётгани. Аммо бозор иқтисодиётига мослаша олмаган корхона касодга учради. Кўпчилик қатори Г.Аҳророва ҳам бунинг жабрини тортди – тоvon пулини ололмай қолди.

Унинг гоҳ у эшикка, гоҳ бу эшикка бош суқишлари натижа бермади. Аксар жавоблар бир хил эди: таъназулга юз тутган корхонанинг вориси йўқ... Бу масалада фалончига учранг... Мурожаат-у, жавоб кутишлар йилларга уланди. Умидлари чок-чокидан сўжилай деганда, касоба уюшмаларига нажот истаб келди.

– Гулчеҳра Аҳророванинг муаммоси прокуратура органлари ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўрганилиб, фуқаролик ишлари бўйича судга давво аризаси киритилди, – дейди Самарқанд вилояти касоба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Усмон Каримов. – Суд қарори билан Гулчеҳра Аҳроровага 5 йил мобайнида тўлаб берилмаган ва ойма-ой тўланиши лозим бўлган тоvon пули бюджетдан

ташқари пенсия жамғармасининг Самарқанд тумани бўлими ҳисобидан тўлаб бериладиган бўлди.

Бугун Гулчеҳра мурожаати ижобий ечим топганидан мамнун.

– Беш йил мобайнида тўхтаб қолган нафақа бир йўла тўлаб берилди, – дейди у. – Ҳозир ойма-ой нафақа пулини олиб турибман. Оддий бир фуқаронинг манфаатини жон куйдириб ҳимоя қилган касоба уюшмаларидан беҳад миннатдорман.



Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch»



«Ishonch»



Келгуси сонларда ўқинг:

**ОЛТИ ОЙДА
ҲАМ
ОЛИНМАГАН
СЕРТИФИКАТ**
ёхуд хужжатлар Тошкентдан Хоразмга қачон етиб боради?


ФАОЛИЯТ ҚИРРАЛАРИ ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Хоразм вилояти

Амалий ечимга йўл

Хоразм вилояти касоба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ва бир қатор ҳамкор ташкилотлар мутасаддилари, касоба уюшмалари вакиллари иштирок этиб, билдирилган фикрлар, кўтарилган муаммолар шу ерда қолиб кетмаслиги,

амалий ечим топиши кераклигини таъкидлашди. Давра суҳбатида ҳамкорлар ва мутасаддилар эътиборига меҳнат соҳасидаги ҳал қилиниши лозим бўлган айрим масалалар ҳавола қилинди. Хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги бир қатор масалалар ўртага ташланиб, муҳокама-лаб, билдирилган фикрлар, кўтарилган муаммолар шу ерда қолиб кетмаслиги,



Самарқанд вилояти

Меҳнат муносабатлари муҳокамаси

Самарқанд вилояти касоба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида «Меҳнат соҳасида муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда бошқармалар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда касоба уюшма фаоллари иштирок этди.

Иштирокчиларнинг Давлат дастури ижроси, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазасини молиялаштириш масалалари ҳамда маҳаллий ижро этувчи тузилмалар фаолияти самарадорлигига оид саволларига мутахассислар атрофича жавоб беришди.

Тадбирда вилоят молия, бандлик, соғлиқни сақлаш бошқармалари вакиллари ижтимоий ше-



Фарғона вилояти

Спортда ҳам фаол аёллар

Бувайда тумани тиббиёт бирлашмасида «Аёллар спорт фестивали» шiori остида спорт мусобақаси ташкил этилди. Унда қатнашчилар спортнинг энгил атлетика, бадминтон, стол теннис,

шахмат ва шашка турлари бўйича куч синашди. Мусобақа кунида голибларга касоба уюшмаларининг эсдалик совғалари топширилди.

Ўз муҳбирларимиз



Наманган вилояти

Бу шунчаки бахтсиз ҳодиса эмас...

ёхуд лоқайдлик оқибатлари

2019 йилнинг март ойида Учқўрғон туманидаги «Учқўрғон ё» акциядорлик жамиятига қарашли кунжара сақлаш ва қайта ишлаш цехи ишчиси Ботиржон Идрисов устига кўп миқдорда кунжара уюми тушиб кетиб, воқеа жойида вафот этган эди.

ятининг Наманган вилояти филиали томонидан 176 миллион 498 минг 527 сўм миқдорда суғурта пули ундириб берилди.

Бу корхона раҳбариятини биров сергаклантирар, аммо бир йигитнинг ҳаётини ортага қайтармайди. Қолаверса, унинг оиласи-чи? Уларнинг эртанги куни нима бўлади?

– Меҳнат муҳофазаси юзасидан ўрганишлар, касоба уюшмасининг бу борадаги тавсиялари айрим иш берувчиларга шунчаки қоғозбозликдек туюлади, – дейди Наманган вилояти касоба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Мирзаноziр Қорабев. – Бироқ бу ишларнинг ортда ходимларнинг хавфсиз фаолияти туради. Чунки бахтсиз ҳодиса туфайли шикастланиш ёки ўлимнинг ўрнини биргина суғурта пули билан (агар ўша ходим мажбурий суғурта қилинган


бўлса) тўлдириб бўлмайди.

Дарҳақиқат, касоба уюшмаларининг устувор мақсадларидан бири ишчи-ходимларнинг муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитларида фаолият юритишини таъминлашдир. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг янги таҳрири касоба уюшмаларининг ваколатларини янада кенгайтиради. Унга мувофиқ, касоба уюшмалари ҳам ходимларга яратилаётган меҳнат шароитларини ижтимоий ҳамкорлар билан биргаликда назорат қилиши, корхона ва ташкилотларга камчиликларни ўз вақтида кўрсатиб, жойида бартараф этишга масъулдир.

Аммо бунга баъзи корхона раҳбарлари ҳам ўз вақтида англаб етса, нур устига нур бўларди.



Орзуғул РУСТАМОВА,
«Ishonch»



Жиззах вилояти

Мамлакатимиз улкан қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланган. Бундан Жиззах вилояти ҳам мустасно эмас. Хусусан, Жиззах шаҳрида қурилиш ишлари авжида.

АММО... МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР БЕРИЛЯПТИМИ?

Афсуски, бу саволга ҳамма ташкилотларда ҳам ижобий жавоб топиш мушкул. Масалан, шаҳардаги «Агростандарт Плюс» қурувчилари махсус кийим-бош билан таъминланмаган. Ўзини «бригадир» дея таништирган Мўмин Мойлановнинг айтишича, бу ерда қурувчиларнинг аксарияти ёлланма ишчилар экан. Улар оғзаки шартнома асосида меҳнат қилмоқда ва кунига 45-50 минг сўмдан иш ҳақи олади. Бир кунда ўртача 10-12 соат ишламоқда. Савол туғилади: меҳнат ҳуқуқлари нега бузилмоқда?

ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИ БИЛМАЙМИЗ

Жиззах шаҳридаги «Исломжон Анорбой» МЧЖ қурувчилари 52 хонадондан иборат кўп қаватли уй барпо этишмоқда. Бинонинг том қисми тўлиқ ёпиб бўлинган. Ташқи пардозлаш ишлари туғаш арафасида.

Корхонанинг Меҳнатни режалаштириш бўлими бошлиғи Бахтиёр Бойматов салкам 40 йилдан буён қурилиш соҳасида меҳнат қилиб келмоқда. Унинг айтишича, олдинлари қурилиш ташкилотларида касоба уюшмалари фаолият юритган. Аммо 2000 йилдан бошлаб бу тизимда



Томдаги «дорбоз»лар

ёхуд қурувчилар қачонгача ҳимоясиз меҳнат қилади?

ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

– Жамоамизда 30 нафар ходим бор, – дейди у. – Бундан ташқари, мавсумий ишларга яна 50-60 нафар ходим жалб этилади. Касоба уюшма кўмитасини ташкил этиш учун, очиги, қаерга мурожаат қилишни билмаймиз.

«КАСКА»СИ ЙЎҚ ҚУРУВЧИЛАР

«Гулрух Мега строй» МЧЖ фаолияти билан танишганимизда ишчи Ифтихор Худойқулов пайвандлаш юмушлари билан банд экан. Махсус кийим-боши йўқ. Нега меҳнат муҳофазасига риоя қилмаётганини сўраганимизда, елка қисди. Айтишича, у ёлланма ишчи сифатида ишлайди, корхона билан ҳеч қандай меҳнат шартномаси тузилмаган. Бажарган ишига қараб нақд пул олади.

Қурилиш жараёни билан яқиндан танишдик. Еттинчи қаватда ишчилар худди дарбоз арқонда юргандек ишламоқда. Аммо хавфсизлик камари ва «каска»си йўқ.

Ҳолбуки, меҳнат қонунчилигига мувофиқ, қурилиш, қурилиш-монтаж ва таъмирлаш-қурилиш корхоналари ходимлари махсус кийим, махсус пойабзал ва яқка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситалари билан бепул таъминланиши керак. Жиззахдаги қурилиш корхоналари раҳбарлари уларга қонунлар тегишли эмас деб ўйлашади, чоғи...

ОРТИҚЧА ҒАЛВА(МИ)?

– Айрим хусусий корхоналарда меҳнат муҳофазасига ортиқча ғалва деб қаралади, – дейди Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касоба

уюшмалари Республика кенгаши бош юристконьсулти Шерзод Худойбердиев. – Ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча кўнгилсизликларнинг аксарияти касоба уюшмалари таркибига кирмаган қурилиш ташкилотларида рўй бермоқда. Жиззах вилоятида қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотлар касоба уюшма аъзолигига қабул қилинма-

ган. Бу ташкилотларда меҳнат хавфсизлиги устидан жамоатчилик назорати фаолияти ҳам йўлга қўйилмаган. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар ва иш ҳақини олишда турли муаммолар юзага келмоқда.

– Хусусий ташкилотларни касоба уюшмаларга аъзо қилиб, ходимлар манфаатини ҳимоялаш мумкин эмасми? – дея сўраймиз суҳбатдошимиздан.

– Мумкин, – дейди у. – Тармоқ касоба уюшма ташкилоти билан ҳамкорликда қурилиш ташкилотларида аъзолик афзалликларини тушунтирганмиз. Аммо уларни бошқараётганлар кўп ҳолларда тақлифларимизни рад этишади. Боиси, касоба уюшманинг тузилмаслиги аксар ҳолларда қурилиш корхоналари раҳбарларининг манфаатига хизмат қилади-да. Уларга касоба уюшмалари сафига аъзо бўлиш мажбурий эмаслигини, лекин иш берувчи сифатида меҳнат муҳофазасини таъминлашга мажбур эканини англаштига интиляпмиз. Қурилиш корхоналарида ҳам касоба уюшмалари ташкил этилса, ишчи-ходимларнинг манфаатлари таъминланган, уларнинг ҳуқуқлари поймол бўлмаган бўлар эди.

Оғриқ тишлар...

Кузатувлари-мизда Жиззахлик қурувчиликка ихтисослашган ташкилотлар инсон тақдирига ўта беписандлик билан қараб туришаётгани аён бўлади. Хўш, бу ҳолатга қачон чек қўйилади? Биз вилоят ҳокимлиги ва бошқа тегишли идоралардан бу саволга жавоб кутамиз.



Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«Ishonch»

МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Халқаро меҳнат муҳофазаси бирлашмаси маълумотида кўра, дунёда ҳар йили ишлаб чиқаришда 2 миллион 200 мингта ўлим, 160 миллионга касб касаллик ҳолатлари, 270 миллионга оғир бахтсиз ҳодисалар рўйхатга олинади. Бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари натижасида етказилган зарар учун бир йилда тўланадиган пул миқдори 1,25 триллион АҚШ долларига тенг бўлиб, бу дунё ялли ички маҳсулотининг 4 фоизини ташкил этади.

Ҳикмат:

Неким ўз қошинда эрур нораво, Улуққа они кўрма асло раво.

Алишер НАВОЙИ



Маънавият минбари

Жавоҳир

Мулоҳазали, танқидий-таҳлилий мақолалари билан ҳар бир сони ўқувчилар томонидан интиқлик билан кутиладиган, саҳифалари қизиқиш билан varaқланадиган журналлардан бири – «Маънавий ҳаёт»дир. Яқинда журналнинг навбатдаги 3-сони нашрдан чиқди.

Академик Акмал Саидов «Карвон йўли» мақоласида мамлакатимиз қонунчилигидаги ўзгариш ва янгиликлар, мажбурий меҳнат ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда эришилган натижалар ҳақида сўз юритган. Жумладан, мақолада айтилишича, АҚШ давлат департаментининг одам савдоси ҳолати тўғрисидаги йиллик ҳисоботида Ўзбекистон ижобий томонга силжиб 3-тоифали мамлакатлардан 2-тоифали мамлакатлар даражасига кўтарилган.

Бобомурод Эралининг «Олимпларни лол қолдираётган аллома» сарлаҳали мақоласида ислом оламининг буюк намояндасидан бири Муҳаммад Ғазолий ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Филология фанлари номзоди Олим Тошбоевнинг тил ҳақидаги мақоласида эса «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» яратилиши тарихидаги ўзига хос жиҳатлар, мушоҳадалар, шевааримиз бойликлари билан фойдаланмаганлигимиз оқибатида кўпгина йўқотишларга учраётганимиз илмий-амалий жиҳатдан исботлаб берилган.

«Кўшнлар», «Муаллимнинг йўли», «Ўқишни битирдим, энди-чи?», «Аросатда 15 йил», «Озод инсон орзуси», «Гулётган тош», «Маънавий кечаларида» каби ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий мақолаларда бугунги куннинг оғриқли мавзулари билан бирга замондошларимизнинг ўй-кечинмалари, ҳаётда юз бераётган ўзгаришлар ва муаммолар таъсири мисоллар билан кўрсатиб берилган.

Бош муҳаррир Эшқобил Шукрунинг «Сўз сири», филология фанлари номзоди Ҳалим Саидовнинг «Ахборот сиёсати ва журналист ихтисослашуви зарурати» мақолаларида эса илмий-амалий мушоҳадалар билдирилган. Умуман, «Маънавий ҳаёт»нинг ушбу сонида ўқувчининг маънавий оламини бойитишга хизмат қилувчи кўплаб мақолалар чоп этилган.

Журнал саҳифаларида

Кўшнлар

Абу Зар ҳикоя қилади: «Расулulloҳ менга васият қилиб, дедиларки: Қозон қайнатган пайтингда сувини кўп қил, кейин кўшни уйдасиларга қара. Уларнинг саногига қараб, бир микдор улар учун ажрат. Агар кўшни сафарга кетса, оиласидан хабар олиб тур. Уй-жойи, мулки, хонадон аҳлини ҳимоя қил.

Ўзи руҳсат бермаса, иморатни уникидан баланд қилиб қурма ёки бошқа йўсунда унга зарар етказма. Бироқ тансиқ таом, дарахт ёки намоз ҳосилдан унга тортиқ қил, имкони бўлмаса махфий қилиб егин.

Кўшннинг боласи хархаша қилмаслиги учун болаларнинг қўлига бирор нарса бериб, кўчага чиқарилмайти. Кўшннинг ҳовлисига қаралмайти, изсиз кирилмайти. Бир одам вафот этса-ю, унинг уч кўшниси баравар ундан рози бўлишса, у одамнинг гуноҳлари кечирилади.

Кўшннинг қосалари

Уч кунлик келинчилик пайти ошхона билан таништирилатган янама буюм раҳматли йўл-йўриқ кўрсатаркан, жавондан иккита қосани олиб кўрсатди. «Бу Нурмат амаки билан Муаззам холаминг қосалари. Ҳар кун қозоннинг бошидан шу икки қосага уларнинг ҳақларини солиб, болалардан чиқариб юбориш эсингиздан чиқмасин, болам. Мана бунисига ёғлироқ, бунисига эса ёқсизроқ қилиб сувасиз. Муаззам холаминг ошқозони оғрийд».

Бувимнинг бу икки ёши улуғ кўшниси – бири узоқ йиллардан буён ўсал ётган отахон, яна бири ёлғиз ўғли вафот этиб, келини билан қолган онахон эди. Бувим ҳар тонг улардан ўзи хабар олар, тушлик ва кечки овқатда биз неваралар ёки келинни бир қоса овқат ва нон билан чиқартириб юборарди. Дастурхон ёнига ўтирганимизда кўшннинг овқати чиқарилди, дея сўрар, шундан кейингина хотиржам овқатига уннарди. Баъзан меҳмон келиб қолиб, уйда одам кўпайиб кетса ҳам, шу одатини қанда қилмасди, ўзи емаса-да, кўшннинг қосасини бўш қолдирмасди.

Бувимнинг бу одати кейинчалик холаларин, янгаларин, нобира келинларга ҳам ибрат бўлди – бу улар учун ҳам одатга айланди. Бувим оламдан ўтганда ён кўшнлар худди ўз онасини, бувисини йўқотгандек изтироб чекиб йиғлашди. Маърақасида ўз жигарғўшаларидек астойдил хизмат қилди.

Шаҳноза РОФИЕВА



Яқинда «Шарқ зиёкори» китоб дўконидан улуғ рус ёзувчиси Лев Толстойнинг «Жаҳон бестселлерлари» (аслида, «жаҳон» бўлиши керак) руқни остида «BOOK MEDIA NASHR» нашриётида ушбу йилда чоп этилган «Лев Толстойнинг энг сара асарлари» (масъул муҳаррирлар Шариф Холмурод, Ғайрат Эрназаров, муҳаррир Шариф Холмурод) китобини кўриб қолдим.

«Facebook»дан кўчириб босилган экан. Уни ўқиб, тўғриси, муаллиф ўроз Ҳайдардан миннатдор бўлдим. Чунки кейинги пайтларда нашриётлар, китоблар ҳақида фикр билдирувчилар камайиб кетяпти. Авваллари матбуотда янги чиққан китоблар, қўйилган спектакллар хусусида оддий луқмадан тортиб, таҳлилий тақриз, кескин танқидий мақолагача тез-тез чиқиб турарди. Жамиятда бу соҳадаги ишларга жуда хушёр ва фаол муносабат билдирилган эди.

Бу ижодкорлар, ўқувчилар, томошабинлар, шунингдек, масъуллар эътиборини тортиб, ижодий жараён, ноширлик фаолиятини тартибга келтириб туришга ёрдам берарди. Баъзи китоблар бир неча ўн, ҳатто юз минглаб ададда ва яна қайта-қайта чиқиб тургани, айрим саҳна асарлари минг мартабалаб ўйналгани айти шундай умумий ижтимоий муносабат самараси эди.

Улуғ адиб Лев Толстойнинг мақолада тилга олинган асарларини ўз вақтида ўқиб лаззатлан-

гани топдим. Мақола «Facebook»дан кўчириб босилган экан. Уни ўқиб, тўғриси, муаллиф ўроз Ҳайдардан миннатдор бўлдим. Чунки кейинги пайтларда нашриётлар, китоблар ҳақида фикр билдирувчилар камайиб кетяпти. Авваллари матбуотда янги чиққан китоблар, қўйилган спектакллар хусусида оддий луқмадан тортиб, таҳлилий тақриз, кескин танқидий мақолагача тез-тез чиқиб турарди. Жамиятда бу соҳадаги ишларга жуда хушёр ва фаол муносабат билдирилган эди.

Ношир дўстларимиз ушбу мисол билан умрим мазмунини ташкил қилган 50 йиллик пок, ҳалол профессионал журналистлик фаолиятимга, ўзимга яраша топган обрўйимга қора чаплаб, менга катта маънавий зарар етказгани ўз-ўзидан равшан. Лекин айбисизлигимни ҳар бир китобхонга етказолмайман-ку? Эшитишим ва кузатишимча, кейинги пайтларда республикамизда тажрибали таржимон, муҳаррир ва мусахҳихларга ҳақ тўлашдан қочиб ишлаб пишитилиши ло-


зим бўлган матнларга дуч келган одамнинг исмини кўйиб, чоп этиб юбориш урфга айланиб бораётгани ачинарли ҳол. Бу билан ўша исмлари қайд этилган инсонлар обрў-эътиборига маънавий путур етказилмоқда. Шу ишни қилаётган азаматлар ўйлашмайдики, халқаро ҳуқуқ тажрибасида маънавий зарарнинг қиймати жуда баланд – ўша зиён кўрган шахснинг оғзига сиққанича...

Яна айрим ноширлар ҳеч қандай хизмати, алоқаси бўлмаган китобларга ўзларининг қариндош-уруғларининг исми шарифларини қалаштириб ташлашни тушуниш қийин. Ўзим кузатиб юрган мисоллардан билманки, бундай муносабат обрў эмас, аксинча, обрўсизлик келтиради: одамлар уларнинг устидан кулишади.

Дарвоқе, танқиднинг фойдасини билмаган айрим ношир укаларимиз мақолага муносабат билдириб, «Бундай танқид бўлиб турса, ҳеч ким китоб нашри билан шуғулланмай кўяди», дея иттиҳом қилишди. Уларга жавоб шуки, жамоатчилик фикри мунтазам равишда айтилиб турилса, масъулиятсизлик билан чалакам-чати тайёрланган китобларни чиқариш камайти. Ҳақиқий билимдон мутахассислар тайёрлаган ҳаммининг диққатини тортадиган асл китоблар нашри эса авж олади.

«BOOK MEDIA NASHR» нашриёти ходимлари танқиддан тўғри хулоса чиқариб, бундан буён масъулият билан ишлашга қарор қиладилар, дея умид қиламиз.

Шариф ХОЛМУРОДОВ



Яқинда Навоий шаҳрида ўзига хос ном чиқарган уста-сартарош Низомиддин Шукрувнинг устaxonасига кирдим. Салом-алиқдан сўнг ҳафта бурун ўзи билан юз берган ажойиб воқеани айтиб берди:

– Эрталаб устaxonамга ёши ўттизлардан ошган бир йилгит эгизак ўғилларини етаклаб кириб келди. Ҳаво бироз совуқроқ бўлса-да, Ҳасан-Хусаннинг оёқларида пайпоқ йўқ, туфличалари ҳам эскириб қолган экан.

Отасининг сочини олиб, ювиб-тараб, ишларига омад тиладим. Гап орасида ўғилларига мактабда яхши ўқиши зарурлигини ҳам ҳазил аралаш кўшиб қўйдим. Мижозим чўнтагидан 15 000 сўм чиқариб узатди. Олдим ва яна қайтириб бердим-да, «Шу пулга ўғилларингизга икки жуфт пайпоқ олиб беринг, мен хизматимга розиман, ака», дедим. Қистовимдан сўнг мижозим бироз хижолат бўлиб, пулини чўнта-

гига солди. Ўғилларини етаклаб устaxonамдан чиқиб кетди. Эрта тонгданок бир кишига яхшилик қилганимдан мамнун бўлиб, кечгача мароқ билан ишладим. Аммо...

Кечаси соат ўнлар атрофида бир дўстимнинг тўйидан қайтаётиб ақинда нақд 1 миллион 400 минг сўмга олган «Самсунг» русумли телефонини йўқотиб қўйдим. Тун қоронғи бўлса-да, келган изимдан ортага қайтиб, роса изладим, тополмадим. Умидимни уздим. Эртаси томондан аёл киши ўртоғимнинг телефонидан яна ўз рақамимга кўнғироқ қилди. Нариги томондан аёл киши «Лаббай» деди. Муддаога ўтдим. «Телефонини сиз топиб олибсиз-да,

опажон, қайтариб берсангиз яхшигина суюнчиси бор», дедим. Уй манзилни олиб йўлга тушдим. Буни қаранки, телефонини ўша аёлнинг эгизаклари – Ҳасан ва Хусан эрта тонгда мен ўтган кўчанинг четидан топиб олган экан. Эгизакларнинг онаси берган суюнчимни ҳам олмади. Гапнинг кифтини келтириб, «Ука-

жон, ҳамма нарсани пулга, мол-у давлатга қақаверсак, инсонлигимиз қайда қолади», дея телефонини узатди. Хурсанд бўлдим. Мингдан минг раҳматлар айтиб, тўғри устaxonамга қайтдим. Эшикни устимдан кулфлаб, роса уйладим. Ҳаётда ҳеч нарса яхшиликнинг ўрнини боса олмас экан...

Алқисса, Низомиддин сартарошнинг бевосита шитирокида юз берган ушбу воқеа «саовнинг таги тешик» дейдиган баъзи бир замондошларимиз учун ўрнак, ибрат бўлса, ажаб эмас. Қолаверса, азалдан маълумки, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам ҳеч қачон изсиз, жавобсиз кетмаган. Эҳтимол, ёмонлик қирқ йилдан сўнг ҳам қайтар, бироқ Низомиддин укамизнинг яхшилиги орадан 24 соат ўтар-ўтмай ўзига қайтди. Бу нима? Бу, аслида, чин инсонийликдир. Инсоний ҳис-туйғу ва амал яшаганга нима етсин...



Нормурод МУСОМОВ, «Ishonch»

Яхшилик

...Кеча эрталаб мижозларимдан бирининг Ҳасан-Хусанига пайпоқ олишини тайинлаб, хизмат ҳақимни олман экан. Орадан 23-24 соат ўтиб йўқотган қўл телефонимни бошқа бир бегона аёлнинг Ҳасан-Хусани топиб оляпти ва бир сўм ҳам суюнчи олмасдан қайтариб беряпти... Кўзларимга ёш келди. Бўлиб ўтган воқеадан тушунганим шу бўлдики, яхшилик инсониятни бағдатдан, турли бало-қазолардан қутқарар экан. Қани энди ҳар кун шундай яшай олсан...

Алижон Абдураҳмонов

МУАССИС:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатда олинган.

Бош муҳаррир Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89 Миллий-маънавий кадрлар ва спорт — (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Бухоро кўчаси, 41-уй. Баҳоис келишилган нарҳда. Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «protoka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22 Андижон — (+998-99) 889-90-23 Бухоро — (+998-99) 889-90-31 Жиззах — (+998-99) 889-90-34 Наманган — (+998-99) 889-98-02 Навоий — (+998-99) 889-90-28 Тошкент — (+998-99) 889-90-25 Самарқанд — (+998-99) 889-90-26 Сирдарё — (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32 Фарғона — (+998-99) 889-90-24 Хоразм — (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев Мусаҳҳиш: С. Шодиева Саҳифаловчи: Х. Абдужалилов ЎзА якуни — 00:15 Тўширилди — 00:30 Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ — 1117. 27511 нускада босилди. Нашр қўрақтири: 133 1 2 3 4 5